

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдуганиева Гулрух Мансур қизи

*Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий
фанлар факультети 3-курс талабаси*

В.Р.Топилдиев

Илмий раҳбар: ю.ф.д. профессор

Аннотация: *Мазкур мақолада муаллиф жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр ва мулоҳазалар юритган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришга доир қабул қилинган қонун ҳужжатлари, цивилист олимларнинг бу борадаги фикрларини таҳлил қилган.*

Калит сўзлар: *ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий иммунитет, ҳуқуқ тартибот органлари.*

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан: биринчидан, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишлари тизимли ва узвий ташкил этилмаяпти. Жамиятда, оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида ва ташкилотларда ҳуқуқий ахборотларни етказишнинг таъсирчан механизми мавжуд эмас. Шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ғоялари аҳоли, айниқса, давлат хизматчилари онгига етарли даражада сингдирилмаяпти;

иккинчидан, узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнлари ҳуқуқий тарбия билан уйғун олиб борилмаяпти, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзбек халқининг тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятларига таянилмаяпти;

учинчидан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир тадбирларни ташкил этишда нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик тизими яратилмаган, ижтимоий шериклик принципи асосида ишлар ташкил этилмаган;

тўртинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришнинг аниқ мақсадли чора-тадбирлари белгиланмаган;

бешинчидан, жамиятда манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишда ва амалга оширишда давлат органлари ва бошқа соҳавий хизматларнинг фаол иштироки таъминланмаяпти, бу борада юқори натижадорлик ва самарадорлик кўзга ташланмаяпти;

олтинчидан, ҳуқуқий тадбирлар ҳамон анъанавий усулларда, оддий учрашувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда, бу борада тарғиботнинг инновацион усулларида, шу жумладан, веб-технологиялардан фойдаланилмаяпти, ҳуқуқий йўналишдаги веб-сайтлар етарли эмас;

еттинчидан, ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмас, бу борада тадбирлар номигагина ташкил этилмоқда, ҳуқуқий билимларни юксалтириш бўйича ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш, илмий изланишларни олиб бориш ишлари самарасиз амалга оширилмоқда.¹²

Профессор З.Исломов ҳуқуқий онгга шундай таъриф беради: “Ҳуқуқий онгни мамлакат фуқароларнинг ҳам амалдаги ҳуқуққа, юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятларига, ҳам орзу қилинган ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий сезгилар, ғоялар, баҳолар, тасаввурлар тизими сифатида таърифлаш мумкин”¹³ Профессор Дмитриевнинг таърифига кўра: “Ҳуқуқий онг бу инсонларнинг ва уларнинг турли бирликларининг ҳамда бутун жамиятнинг амалдаги ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан қарашлари, ғоялари, тасаввурлари йиғиндиси”¹⁴

Ҳуқуқий маданиятга берилган таърифларга келсак, У.Тажиханов ва А.Саидовлар ўзларининг Ҳуқуқий маданият назарияси номли китобида “Ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даржасини, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан ҳабардорлик даражасини, фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражасини тушунамиз”¹⁵-деб таъриф беришган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997-йил 25-июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги ПФ-1791-сонли фармони мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий тарбияси ва маданиятини юксалтириш борасидаги илк

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон

¹³ З.М.Исломов Давлат ва ҳуқуқ назарийси-Тошкент.: Адолат, 2007. 537-б

¹⁴ Ю.А.Дмитриев. Правосознание и правовая культура. Теория государства и права. -Москва: 2006. С-547

¹⁵ У.Тажиханов, А.Саидов. Ҳуқуқий маданият назарияси 1-том. Тошкент-1998. 11-б

меъерий-ҳуқуқий базаси сифатида намоён бўлди.¹⁶ Унинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 29-майдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 235-сонли қарори билан тасдиқланган илк Миллий дастур бугунги кунда ўз кучини йўқотган (2021-йил 22-февралдан эътиборан) бўлса-да, ўз даври учун жуда долзарб ва аҳамиятли меъерий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасига мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида давлат ҳокимияти олий органлари томонидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони ва 1 та Қарори, улар ижроси юзасидан эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори (1 таси ўз кучини йўқотган) қабул қилинганлигини кўрамиз. Бу борада 2019 ва 2022-йиллар самарали бўлганлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9-январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли¹⁷ фармони эълон қилинди. Фармон билан “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” тамойили асосидаги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси тасдиқланди. Фармоннинг ижроси юзасидан 2019-йил 20-апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 342-сонли қарори билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги низом тасдиқланди.¹⁸

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 13-декабрдаги ПҚ-4551-сонли Қарори билан Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 19-майдаги ПФ-5997-сонли Фармони ижроси юзасидан, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2020-йил 30-октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази фаолиятини ташкил этиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 678-сонли қарори²⁰ эълон қилинди.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997-й. 7-сон. 179-модда

¹⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.

¹⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 09/19/342/2995-сон

¹⁹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон.

²⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/678/1442-сон

Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, жумладан ушбу соҳада давлат органлари ва ташкилотларининг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 17-февралдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 74-сонли қарори²¹ билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш схемаси тасдиқланди. Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида қабул қилинган сўнгги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 16-майдаги “2022-2023- йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 259-сонли қарорини²² олиш мумкин. Оилада ва таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар:

- нотинчлик ва зўравонликнинг болалар тарбиясидаги салбий оқибатлари ҳақида маълумот етказиш ва уларнинг олдини олиш;

- олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари о'қув курсларини ташкил этиш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига имтиёзлар ва моддий ёрдам бериш масалалари бўйича ахборот-тарғибот ишлари ва бошқалар;

Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар; -

“Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги”, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” ва “Конституциявий ҳуқуқ ойлиги” ни ўтказиш; - ҳуқуқий

саводхонликка оид минимал талаблар бўйича ўқитиш ва уларнинг ҳуқуқий билимларини баҳолаш ва бошқалар; Аҳоли барча

қатламларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар:

- “бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга” лойиҳаси;

- ногиронлиги бўлган шахслар учун хайрия акциялари;

- мурожаатларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра манзилли ҳуқуқий тарғибот ва бошқалар;

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш, шунингдек, ОАВнинг ролини кучайтириш:

²¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.02.2022 й., 09/22/74/0143-сон

²² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.05.2022 й., 09/22/259/0422-сон

-видеороликлар тасвирга олиш ҳамда ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқатиш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий масалалар бўйича ечимларни берувчи порталларни ҳуқуқий мавзудаги материаллар билан бойитиш;

-“Ҳуқуқий ахборот” телеграм канали қамровини кенгайтириш ва бошқалар; Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

1.Ҳуқуқ тартибот органларида фаолият олиб борувчи судьялар, прокурорлар, ички ишлар ходимларини таълим муассасаларида ўтиладиган ҳуқуқий фанларни ўтишга жалб қилиш;

2.Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқий тартибот органлари вакиллари томонидан бир ойда бир мартта давра суҳбатларини ташкил этиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги янги қонун, фармон ва қарорларни мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар бериб бориш;

3. Таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш энг долзарб масала ҳисобланади, шу сабабли умумтаълим мактабларида бошланғич таълим тизимидан бошлаб болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг, қонун ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган Конституция ва инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича дарслар ва дарсликлар ташкил қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлик даражасини юксалтириб бориш;

4.Қонунчиликга, ҳуқуқ нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилади. Булар эски йилги ҳуқуқ дарсликларида мавжуд бўлмайдиган, шунинг учун барча ҳуқуқ соҳаларидаги дарсликларни тўлиқ, узлуксиз, ўзгаришлар киритилган ҳолда, кўп сонли ададда ҳар йил қайта нашр қилиниши, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда пойдевор бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон.

2.З.М.Исломов Давлат ва ҳуқуқ назарияси-Тошкент.: Адолат, 2007. 537-б.

3.Ю.А.Дмитриев. Правосознание и правовая культура. Теория государства и права. Москва:2006. С-547

4.У.Тажиханов, А.Саидов. Ҳуқуқий маданият назарияси 1-том. Тошкент-1998. 11-б. 5.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997-й. 7-сон. 179-модд

6.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.

7.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 09/19/342/2995-со 8.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон.

9.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/678/1442-с 10.Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.02.2022 й., 09/22/74/0143-сон 11.Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.05.2022 й., 09/22/259/0422-сон.